

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти

Кузатув кенгашининг
2024 йил “29” февралдаги
2/24 - сон йиғилиш баёнига

6 – илова

*(Кузатув Кенгашининг 2024 йил “29” апрелдаги
6/24- сон ва “2” октябрдаги 9/24- сон ва йиғилиш
баёнлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар
киритилган)*

**“ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
КОМПАНИЯСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН
КОМПЕНСАЦИЯ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ТАҚДИМ
ЭТИЛАДИГАН ЙЎНАЛИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

“КИРИТИЛДИ”

“Тадбиркорликни
ривожлантириш
компанияси” акциядорлик
жамияти Ижроия органи

Тошкент – 2024 йил

МУНДАРИЖА

- 1-боб. Умумий қоидалар
- 2-боб. Компенсация тақдим этиш тартиби
- 3-боб. Компенсация тақдим этишнинг шартлари
- 4-боб. Компенсация тўхтатиб туриш, тўхтатиш, бекор қилиш ва қайта тиклаш тартиби
- 5-боб. Компенсация ҳисоблаш ва тўлаш тартиби
- 6-боб. Компенсация тўловларини амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағлар манбаси
- 7-боб. Яқунловчи қоидалар

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-193-сон Фармони ва “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Компания) устави асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

кредит – қарз олувчи лойиҳаларини молиялаштириш учун фойдаланиладиган тижорат банки кредити;

тижорат банки – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тегишли лицензиясига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган тижорат ташкилоти;

қарз олувчи – Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган ва тадбиркорлик ташаббусини амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъекти;

лизинг – молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради;

сўровнома – қарз олувчи томонидан компенсация молиявий ёрдамдан фойдаланиш мақсадида Компаниянинг “Тадбиркор” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Ахборот тизим) орқали шакллантирилган ҳамда электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан тасдиқланган ҳолда тижорат банкига юбориладиган сўров;

буюртма – қарз олувчининг сўровномаси асосида тижорат банки томонидан компенсация молиявий ёрдамдан фойдаланиш мақсадида лойиҳа ва кредит параметрларини кўрсатган ҳолда Компаниянинг Ахборот тизими орқали шакллантирилган ҳамда ЭРИ билан тасдиқланган ариза;

асосий ставка – Буюртма тақдим этилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ва амалда бўлган фоиз ставкаси;

компенсация – тижорат банклари кредитлари (лизинглари) бўйича фоизли харажатларнинг бир қисмини Иқтисодиёт ва молия вазирлигида юридик шахс ташкил этмасдан очиладиган Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ҳисобидан қоплаш;

лойиҳалар – кичик тадбиркорлик фаолиятидан иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар ва ишлар мажмуи;

скоринг таҳлил – бу турли омилларга боғлиқ қарздорнинг кредит қобилиятини баҳолаш учун балл тизими;

кредитдан мақсадсиз фойдаланиш – кредит шартномаси ва (ёки) лойиҳа ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган мақсадларда кредит маблағларининг ишлатилмаслиги. Бунда кредит маблағлари эвазига олинadиган товар (хизмат)ларни тўлиқ ёки қисман етказиб берилмаслиги, уларни сотиб юборилиши, лойиҳанинг белгиланган муддатда ишга туширилмаслиги ёки бошқача тарзда бегоналаштирилиши тушунилади;

“Тадбиркор” ахборот тизими – электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган ахборот тизими:

Компания молиявий ёрдамларидан фойдаланиш тўғрисида буюртмаларни қабул қилиш ва улар бўйича қабул қилинган қарорларни электрон тарзда етказиш;

Компания молиявий ёрдамларидан фойдаланиш тўғрисида электрон шартномалар ва ҳисоботлар тузиш, ўзаро маълумотлар алмашиш мақсадида Солиқ қўмитаси, Статистика агентлиги, тижорат банклари ва бошқа давлат ташкилотлари ахборот (маълумот) базаси билан интеграциясини амалга ошириш;

тижорат банклари ва уларнинг миқдорларига Компаниянинг Ахборот тизими орқали реал вақт режимида буюртмаларнинг кўриб чиқилиши ҳамда бажарилиши ҳолатини кузатиб бориш имконини бериш.

3. Компенсация тақдим этиш ва тўловларни Жамғарма орқали амалга ошириш Компенсациялар тақдим этиш бўлими томонидан амалга оширилади.

2-боб. Компенсация тақдим этиш тартиби

4. Компания томонидан компенсация тақдим этиш тартиби ушбу Низомга асосан амалга оширилади ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

5. Компенсация:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган;

б) тугатилиш босқичида бўлмаган;

в) уларга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзгатилмаган;

г) мурожаат санасида кредит (лизинг)лар, солиқлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаган;

д) барқарорлик рейтинги кўрсаткичи "D" бўлмаган;

е) ёмон кредит тарихига ва Компания ёрдамлари бўйича салбий тарихга эга бўлмаган (“Кредит-ахборот таҳлил маркази” Кредит бюроси маълумоти асосида аниқланади) қарз олувчиларга тақдим этилади.

6. Компенсация фақат Ахборот тизими орқали юборилган буюртма асосида тақдим этилади.

7. Қарз олувчига компенсация мазкур Низомнинг 1-иловасидаги “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан компенсация тақдим этиш схемасига мувофиқ тақдим этилади.

8. Мазкур Низомнинг 2-иловасидаги “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан компенсация тақдим этилмайдиган йўналишларга компенсация ёрдами кўрсатилмайди.

9. “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан тақдим этиладиган компенсация миқдор ва шартлари 3-иловага асосан белгиланади. Бунда, лойиҳадаги компенсация тақдим этиладиган кредит (лизинг)лар миқдорини ҳисобга олишда Компания ресурслари ҳисобига ажратиладиган кредит (лизинг)лар инобатга олинмайди.

10. “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан кичик тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилган давридан қатъий назар компенсация тақдим этиладиган лойиҳалар 4-иловага асосан белгиланади.

11. Қарз олувчининг шакллантирган сўровномаси ҳамда тижорат банкининг буюртмаси компенсациядан фойдаланиш ташаббусига асос ҳисобланади.

Тижорат банкининг ҳудудий бўлинмаси томонидан кредит (лизинг) бериш тўғрисида қарор қабул қилинса – компенсация олиш учун қарз олувчи томонидан яратилган сўровномани буюртнома шаклига келтиради ҳамда кўриб чиқиш учун тижорат банкига жўнатади;

Тижорат банки буюртманинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, банк кредит сиёсати ва мазкур низомга мувофиқлигини кўриб чиқади, хато ва номувофиқликлар аниқланганда уни бартараф этишни сўраб буюртмани ҳудудий бўлинмага қайтаради.

Ҳудудий бўлинманинг масъул ходими буюртмага тегишли ўзгартириш киритиб, тижорат банкига кўриб чиқиш учун қайта юборади.

Тўғри шакллантирилган буюртмани тижорат банки Компанияга юборади.

Сўровнома ҳамда буюртмада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун қарз олувчи ва тижорат банкининг уни имзолаган мансабдор шахси жавобгар ҳисобланади.

Компания буюртмани кўриб чиқиш жараёнида тижорат банкidan зарурият бўлган тақдирда қўшимча маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12. Қарз олувчи компенсациядан фойдаланиши учун Компания Кузатув кенгаши томонидан белгиланадиган бир марталик хизмат ҳақи тўлайди. Хизмат ҳақи қарз олувчининг исталган ҳисобварағи, жумладан, транзит ҳисобварағи орқали ҳам тўлаб берилиши мумкин.

Компенсация шартномаси бир марталик хизмат ҳақи тўлиқ тўланган ҳамда тарафлар томонидан ЭРИ билан имзолангандан сўнг қонуний кучга киради ва томонларнинг мажбурияти юзага келган ҳисобланади.

3-боб. Компенсация тақдим этишнинг шартлари

13. Тижорат банки компенсация олувчи ҳисобланади.

14. Компенсация 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга “1+2” тамойили асосида аввал кредит (лизинг)нинг дастлабки йилига тақдим этилади, кейинги икки йил давомида тадбиркорлик субъекти томонидан яратиладиган янги иш ўринлари сони режаси бажарилиши ва реализация қилинган маҳсулот (хизмат) бўйича тушум камида ўн беш фоизга ошган тақдирда давом эттирилади.

15. Ўрнатилган базавий меъёрлар бажарилмаган тақдирда ўтган давр учун компенсация тўлови кейинги йилга ўтказилади.

4-боб. Компенсация тўхтатиб туриш, тўхтатиш, бекор қилиш ва қайта тиклаш тартиби

16. Компания қуйидаги ҳолатларда компенсация беришни тўхтатиб туради:

кредит (лизинг)нинг асосий қарзи ва фоиз тўловлари бўйича муддати ўтган қарздорлик юзага келган санадан ушбу қарздорлик бартараф этилгунга қадар. Бунда ушбу ҳолат банк ахборот тизими орқали автоматик равишда хабардор этилади;

қарз олувчи ва тижорат банкининг буюртмасида нотўғри ва/ёки ёлғон маълумотлар аниқланганда;

кредитдан қисман бошқа мақсадларда фойдаланилганда;

тижорат банки томонидан Компания рухсати олинмасдан кредит параметрлари ўзгартирилганда.

Бунинг натижасида ортиқча олинган компенсация маблағи тижорат банки томонидан 5 (беш) иш куни мобайнида Жамғармага қайтарилади.

Ортиқча олинган маблағ белгиланган муддатда қайтарилмаган тақдирда, кейинги тўловлар ҳисобидан ушлаб қолинади.

Тўхтатиб туриш сабаблари бартараф этилганлиги юзасидан тижорат банки томонидан хабардор қилинган санадан компенсация ҳисоблаш қайта тикланади. Бунда, кредитдан қисман бошқа мақсадларда фойдаланилганда лойиҳанинг ишга туширилганлиги, кредитнинг бошқа мақсадларда ишлатилган қисми бартараф этилганлиги ва ортиқча олинган компенсация

маблағи Компанияга қайтарилганлиги тўғрисида тижорат банкининг маълумоти асосида қайта тикланади.

Тўхтатилган давр учун компенсация тақдим этилмайди.

17. Компания қуйидаги ҳолатларда компенсация беришни тўхтатади:
қарз олувчи кредит (лизинг) шартномаси бўйича кредит (лизинг)ни тўлиқ қайтарса;

кредит (лизинг) ва/ёки компенсация бериш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиши муддати тугаса;

кредит (лизинг) маблағларидан кредит (лизинг) шартномасида ва/ёки буюртмада белгиланган мақсадларда ишлатилмаганда;

мазкур Низомнинг 18-банднинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошларида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ортиқча компенсация олинганда;
қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

Мазкур банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатлар аниқланганда компенсация шартномаси бир томонлама бекор қилинади ҳамда компенсация маблағлари тижорат банки томонидан 5 (беш) иш куни мобайнида Жамғармага қайтарилади. Бунда ушбу қоида Компания (аввалги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси) билан аввал тузилган шартномалардан келиб чиқадиган муносабатларга ҳам татбиқ этилади. Ушбу маблағ белгиланган муддатда қайтарилмаган тақдирда, тижорат банкига навбатдаги компенсация учун ўтказиладиган умумий тўлов суммасидан ушлаб қолинади.

Бунда, тижорат банки ушлаб қолинган маблағни мазкур банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлар аниқланган қарз олувчилар бўйича тегишли ўтказмани амалга ошириш ҳисобига қоплайди.

Тижорат банки томонидан реестр тақдим этилганда қайтарилиши лозим бўлган маблағлар тўлиқ ушлаб қолинади, бироқ ушлаб қолинadиган маблағ тақдим этилган реестрнинг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим. Бунда охириги тўлаб берилган реестрдан кейин тижорат банки томонидан қайтарилган маблағлар инобатга олинади.

18. Қуйидаги ҳолатларда компенсация:

мазкур Низом талабларига зид равишда ёлғон маълумот тақдим этиб олинган бўлса;

кредитдан тўлиқ (ёки қисман) бошқа мақсадларда фойдаланилган бўлса;

кредит эвазига сотиб олинган товар (хизмат)ларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган мақсадда ишга туширилмаслиги ёхуд уларнинг сотиб юборилиши ёки бошқача тарзда бегоналаштирилиши;

компенсация шартномаси тузилишидан аввал ажратилган кредитлар бўйича олинган бўлса;

ўзгарувчан фоиз ставкасига боғланган кредитлар бўйича компенсация кўп олинган бўлса;

компенсация шартномасида муддати ўтган қарздорлик учун компенсация тўхтатилиши белгилаган санадан кейин олинган бўлса;

кредит шартномаси бўйича қарздорликни ундириш юзасидан берилган даъво ариза суд томонидан қаноатлантирилган кундан сўнг олинган бўлса, Банк томонидан ортиқча ҳисоблаб олинган деб ҳисобланади.

19. Тижорат банки компенсация беришни тўхтатиб туриш ва тўхтатишни назарда тутувчи ҳолатларни аниқлаш мақсадида қарз олувчининг фаолияти юзасидан бир йилда камида бир марта мониторинг олиб боради ва улар аниқланганда, бу ҳақда Компанияни 5 (беш) иш куни мобайнида хабардор қилади.

20. Компания компенсация беришни тўхтатиб туриш ва тўхтатиш учун асос бўладиган ҳолат аниқлангани тўғрисида тижорат банкининг ёки бошқа ташкилотнинг хабарномасини олгандан сўнг 5 (беш) иш куни мобайнида компенсация беришни тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

21. Тижорат банки компенсация маблағларининг мақсадли ишлатилишини назорат қилувчи органларга компенсация берилган кредит (лизинг)лар бўйича танлов асосида мониторинг қилиш ва тегишли хужжатларни олиш учун шароит яратиб беради.

Мониторингда аниқланган ҳолатлар бўйича қайтариладиган маблағларнинг 10 фоизи Компанияга ўтказилади.

22. Нотўғри ва/ёки ёлғон маълумотларнинг тақдим қилиниши, ушбу маълумотлар асосида компенсация олганлиги, шунингдек, тижорат банки ва қарз олувчи томонидан мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги, кредитдан мақсадсиз фойдаланганлиги учун Компания жавобгар ҳисобланмайди.

23. Кредит (лизинг) ставкалари, муддатлари ва бошқа параметрлари ўзгарган тақдирда, компенсация ставкаси ва суммаси компенсация бериш тўғрисида қарор қабул қилинган санада қайд этилган даражадан юқори бўлмаган миқдорда ўзгариши мумкин.

24. Компенсация бериш тўхтатиб турилган, тўхтатилган ёки компенсация бериш тўғрисидаги шартнома муддатидан олдин бекор қилинган ҳолатларда:

бу қарз олувчининг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги билан содир бўлса – қарз олувчи кредит (лизинг) бўйича фоизларни тўлиқ тўлайди;

бу тижорат банкининг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги билан содир бўлса – банк компенсацияни ўз маблағлари ҳисобидан тўлайди.

5-боб. Компенсация ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

25. Тижорат банки томонидан тақдим этиладиган реестр асосида Компенсация тўлови:

а) биринчи йилда ҳар бир ой учун Жамғарма ҳисобидан 30 кун мобайнида тўлаб берилади;

б) Қарз олувчи томонидан қуйидаги базавий меъёрларнинг бажарилишидан келиб чиқиб кейинги икки йил давомида ҳар йили бир мартаба тўлаб борилади:

янги иш ўринлари яратилиши режаси бажарилиши;

йиллик реализация қилинган маҳсулот (хизмат) бўйича тушумнинг камида 15 фоизга ошиши.

Бунда, юқорида кўрсатилган базавий меъёрларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар 30 кун мобайнида тегишли ташкилот ва идоралардан тасдиғи олингандан сўнг компенсация реестри асосида тўлов амалга оширилади.

Ўрнатилган базавий меъёрлар аввалги йилларда бажарилмаган тақдирда ўтган давр учун компенсация тўлови учинчи йил тўловига қўшиб тўланади.

Бунда, кейинги икки йил учун кўрсатилган базавий меъёрларнинг тўлиқ бажарилишидан келиб чиқиб компенсация тўловлари тўлаб берилади. Акс ҳолда компенсация тўланмайди.

Дастлаб кўрсатилган яратиладиган янги иш ўринлари сони ва реализация қилинадиган маҳсулот (хизмат) бўйича тушум режаси камайтирилган тақдирда компенсация тўловлари кейинги йиллар учун тўлаб берилмайди.

26. Тижорат банки компенсация берилиши тўғрисидаги шартнома амал қиладиган ҳар бир кредит (лизинг)нинг қолдиқлари бўйича ҳисобланган фоизлардан келиб чиққан ҳолда компенсация реестрини тузади.

Бунда:

лойиҳа ташаббускорларининг кредит (лизинг) маълумотларини Ахборот тизимига интеграциясини таъминлайди;

реестрни Компания талаблари доирасида электрон тарзда шакллантиради ва ваколатли шахс имзоси билан тасдиқлайди;

ЭРИ билан имзоланган реестрни Ахборот тизими орқали юбориши мумкин.

Тижорат банки шакллантириладиган реестрнинг барча ҳисоб-китобларини исталган муддатга онлайн режимда Компанияга тақдим этиш имкониятини яратишни назарда тутувчи дастурий таъминотга эга бўлиши лозим.

27. Компания тижорат банки томонидан Ахборот тизими орқали бериладиган электрон компенсация реестри асосида тўловларни амалга оширади.

Тижорат банки компенсация реестрининг тўғрилиги ва тўлиқлиги учун жавобгар ҳисобланади.

28. Компаниянинг масъул бўлими тижорат банки томонидан тасдиқланган компенсация реестрига асосан Жамғарма ҳисобидан тўловни амалга оширади.

29. Тижорат банки белгиланган тартибда компенсация шартномаларига асосан ҳисобланган ва компенсация қилинадиган фоизларнинг ҳисобини “1+2 тамойили” асосида дастлабки йилда 16325 баланс ҳисобварағида қолган йилларда 16309 баланс ҳисобварағида юритади.

30. Компенсация маблағи дастлабки йил учун тижорат банки тақдим этган компенсация реестри асосида бир пайтнинг ўзида бир қанча кредит (лизинг) шартномалари бўйича тижорат банкининг 29801 – “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар” транзит ҳисобварағига ўтказилади. Ўз навбатида, тижорат банки транзит ҳисобварағига тушган маблағларни 10 (ўн) иш кунида ҳар бир қарз олувчи бўйича алоҳида очилган 16325 ҳисобварағига ўтказилади. Маблағлар белгиланган муддатда тегишли ҳисобвараққа ўтказилмаган тақдирда қолдиқ маблағ тижорат банки томонидан Жамғармага қайтарилади.

Қолган йиллар учун компенсация маблағи тўғридан-тўғри қарз олувчининг ҳисобварағига ўтказилади.

6-боб. Компенсация тўловларини амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағлар манбаси

31. Компенсация тўловларини Жамғармадан амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағлар қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ушбу мақсадлар учун ҳар йили тасдиқланадиган ажратмалар доирасидаги маблағлари;

б) компенсация ёрдами тақдим этишга қаратилган халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг Компанияга юкланган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитлари (қарзлари) ва грантлари.

32. Жамғарма маблағлари қолдиқлари йил якуни бўйича олиб қўйилмайди ҳамда кейинги йил параметрларида ҳисобга олинади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

33. Ушбу Низом Компания Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

34. Ушбу Низомга қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги, Компания Уставига, Компаниянинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, шунингдек, бошқа ҳолларда ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

35. Агар ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Компания Уставига

зид келган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ва/ёки Компания Устави қоидаларига амал қилинади.

36. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан, суд тартибида ҳал этилади.

“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти
томонидан компенсация тақдим этиш
тартиби ва тақдим этиладиган
йўналишлар тўғрисидаги низом
1-илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти
томонидан компенсация тақдим этиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Қарз олувчи	ажратиладиган кредитга компенсация олиш юзасидан Ахборот тизими орқали тижорат банкига сўровнома юбориш.	Заруратга кўра
2-босқич	Тижорат банки худудий бўлинмаси Тижорат банки	компенсация олиш учун қарз олувчи томонидан яратилган сўровномани буюртнома шаклига келтириш буюртмани кўриб чиқиш учун тижорат банкига жўнатиш буюртманинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, банк кредит сиёсати ва мазкур низомга мувофиқлигини кўриб чиқиб, тўғри шакллантирилган буюртмани Компанияга юбориш	кредит сиёсати талабларидан келиб чиқиб
3-босқич	Компания	буюртмани кўриб чиқиш ва компенсация бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.	3 иш куни мобайнида
4-босқич	Компания	тижорат банки ва қарз олувчини қабул қилинган қарори тўғрисида Ахборот тизими орқали хабардор қилиш.	1 иш куни мобайнида
5-босқич	Қарз олувчи Қарз олувчи, Тижорат банки худудий бўлинмаси Компания	компенсация берилиши тўғрисида хабарномани олгандан сўнг: буюртмани кўриб чиқиш ва расмийлаштириш харажатлари учун бир марталик хизмат ҳақини тўлаш компенсация берилиши тўғрисидаги шартномани ЭРИ билан имзолаш	5 иш куни мобайнида
6-босқич	Тижорат банки Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси	Компенсация реестрни тақдим қилиш Банк тақдим қилган реестр асосида тўловни амалга ошириш	Ҳисобот оyi яқунлангандан сўнг Реестр олингандан сўнг 30 кун мобайнида

**“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти
томонидан компенсация тақдим этиш
тартиби ва тақдим этиладиган
йўналишлар тўғрисидаги низомга
2-илова**

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти
томонидан компенсация тақдим этилмайдиган
ЙЎНАЛИШЛАР**

1. Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва (ёки) улар савдосини ташкил этиш;
2. Илгари олинган кредит (лизинг)ларни ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш;
3. Нобанк кредит ташкилотлари, лизинг ва суғурта компаниялари фаолиятини ташкил этиш;
4. Савдо, умумий овқатланиш ҳамда автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш (бундан экспортолди молиялаштириш, “яшил” технологияларни сотиб олиш ва ўрнатиш мустасно);
5. Айланма маблағларни шакллантириш (экспортолди молиялаштириш, туризм ва асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш бундан мустасно);
6. Енгил ва илгари фойдаланишда бўлган юк автотранспорт воситалари сотиб олиш ва уларни таъмирлаш (чет элдан олиб келинадиган юк автотранспорт воситаларидан ташқари);
7. Бино-иншоотларни сотиб олиш.

**“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти
томонидан компенсация тақдим этиш
тартиби ва тақдим этиладиган
йўналишлар тўғрисидаги низом
3-илова**

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти
томонидан тақдим этиладиган компенсация
МИҚДОР ВА ШАРТЛАРИ***

Т/р	Қўллаб-қувватлаш тури	Иштирокчилар	Фойдаланиш муддатлари	Алоҳида шартлар
1.	3 миллиард сўмгача ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш.	Фаолият даври уч йилгача бўлган кичик тадбиркорлик субъектлари.	3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга компенсация “1+2” тамойили асосида аввал кредит (лизинг)нинг дастлабки йилига тақдим этилади, кейинги икки йил давомида қуйидагиларга асосан давом эттирилади: янги иш ўринларини яратиш режаси бажарилиши; йиллик реализация қилинган маҳсулот (хизмат) бўйича тушумнинг камида 15 фоизга ошиши.	Компенсация йиллик Марказий банк асосий ставкасининг 4 фоизлик пунктидан юқори ва асосий ставканинг 1,75 бараваридан ошмаган ставкада миллий валютадаги кредитларга тақдим этилади. Кичик тадбиркорлик субъектларига ташкил этилган даврдан қатъи назар компенсация тақдим этиладиган йўналишлар Компания Кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Компенсация ҳудуд тоифасидан келиб чиқиб 1-3 тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган тадбиркорларга Марказий банк асосий ставкасининг 30 фоизи миқдорида, 4 ва 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган тадбиркорларга асосий ставканинг 40 фоизи миқдорида 2024-2026 йиллар давомида тақдим этилади.
2.	5 миллиард сўмгача ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш.	Ташкил этилган даврдан қатъи назар кичик тадбиркорлик субъектлари.	Ўрнатилган базавий меъёрлар бажарилмаган тақдирда ўтган давр учун компенсация тўлови кейинги йилга ўтказилади.	Компенсация Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган ставкада миллий валютадаги кредитларга 2025 йил 1 январга қадар тақдим этилади.
3.	10 миллиард сўмгача ажратиладиган кредитлар (лизинглар) бўйича фоиз ставкасининг 10 фоизлик пунктидан юқори қисми бўйича фоиз харажатларини қоплаш.	Фарғона вилояти Сўх туманида рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари.		

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлса, мазкур ҳужжатларда белгиланган миқдор ва шартлар амал қилади. Бунда мазкур низомда белгиланган миқдор ва шартларни истисно этмаган параметрлар сақланиб қолади.*

**“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти
томонидан компенсация тақдим этиш
тартиби ва тақдим этиладиган
йўналишлар тўғрисидаги низом
4-илова**

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти
томонидан кичик тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилган
давридан қатъий назар компенсация тақдим этиладиган ЛОЙИҲАЛАР**

Т/р	Йўналишлар	Лойиҳалар ичидаги лойиҳалар
1	Чиқиндиларни қайта ишлаш ва атроф муҳитни ифлосланишининг олдини олиш	қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш билан боғлиқ лойиҳалар; чиқиндиларни йўқ қилиш ва сақлаш билан боғлиқ лойиҳалар
2	Қайта тикланадиган ва экологик тоза энергия манбаларини ишлаб чиқариш	куёш энергияси лойиҳалари; шамол энергияси лойиҳалари; биомассадан электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳалари; интеллектуал электр тармоқлари бўйича лойиҳалар; бошқа лойиҳалар
3	Жойларда сув таъминотини яхшилаш	ичимлик суви хавфсизлиги бўйича муҳандислик лойиҳалари; сувни тежаш бўйича лойиҳалар;
4	Қурилиш ишларида энергияни тежаш ёки яшил бино қуриш	мавжуд биноларда олиб борилаётган қурилиш ишларини “яшил” трансформация қилиш лойиҳалари; яшил экологик қурилиш ишларини олиб бориш, фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш лойиҳалари
5	Экологик тоза транспорт тизимини жорий этиш	жамоат экотранспорти лойиҳалари; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича махсус транспортлар.
6	Энергия ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш лойиҳаларига хизмат кўрсатиш	қайта тикланувчи энергия технологияларига хизмат кўрсатиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хизматлари; сув хўжалиги хизматлари
7	Яшил инвестицияларни қўллаб-қувватлаш	“яшил” инновацияларни жорий этишда хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлаш лойиҳалари
8	Энергия тежаш ва экологик тоза ишларни амалга оширишни рақамлаштириш ва уларга ўқитиш	яшил инфратузулма билан таъминлаш лойиҳалари; хизматларни рақамлаштириш билан боғлиқ лойиҳалар; яшил иқтисодиётга ўтишни ўқитиш ва консалтинг хизматлари кўрсатиш лойиҳалари
9	Хусусий таълим ва тарбия муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантириш	хусусий мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш лойиҳалари; хусусий институтларни ташкил этиш лойиҳалари

Т/р	Йўналишлар	Лойиҳалар ичидаги лойиҳалар
10	Хусусий тиббиёт муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантириш	хусусий тиббиёт муассасаларини ташкил этиш лойиҳалари; хусусий тиббиёт муассасаларининг ташхис қўйиш, даволаш ҳамда жарроҳлик амалиётини ўтказиш бўйича технологияларни жорий қилиш лойиҳалари;
11	Озиқ – овқат хавфсизлиги таъминлаш	озиқ-овқат маҳсулотини етиштириш лойиҳалари; озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш лойиҳалари; озиқ-овқат маҳсулотини сақлаш лойиҳалари; озиқ-овқат маҳсулотини ташишга мўлжалланган воситаларни сотиб олиш лойиҳалари.
12	Аҳолини уй-жой билан таъминлаш	Кўп квартирали юқори қаватли уй-жойлар қуриш лойиҳалари;
13	Экспортни қўллаб-қувватлаш	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат) ларни экспортини амалга ошириш мақсадида айланма маблағни тўлдириш лойиҳалари
14	Хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш	асбоб-ускуналарни сотиб олиш билан боғлиқ лойиҳалари